ORIGINAL ARTICLE

INTERNATIONAL JOURNAL OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE

ISSN: 2692-5206, Impact Factor: 12,23
American Academic publishers, volume 05, issue 09,2025

Journal: https://www.academicpublishers.org/journals/index.php/ijai

MY HEART DEVOTED TO ART

Olimjonova Shakhrizoda Umid qizi
Uzbekistan State Academy of Choreography
Field of Study: "Professional" Education
4th-year Student
Shukhrat Makhmudovich Tukhtasimov

Scientific Supervisor: Professor

ART — in a figurative sense, is considered a unique form of social consciousness and human activity, which implies high mastery characteristic of all spheres of activity. It represents an aesthetic system that, through its various forms, accumulates, preserves, and transmits distinctive artistic and aesthetic values, encompassing visual arts, architecture, painting, sculpture, music, theater, cinema, circus, literature, choreography, and other fields. Art is the product of creative activity that reflects a person's knowledge, experience, skills, and abilities in material and spiritual life. It is extremely broad in scope, and one of the aspects that interests us most is the art of dance.

I can say without exaggeration that I have lived with the art form of **choreography** for as long as I can remember. Even before I could clearly speak, whenever I heard the sound of music, I instinctively performed dance movements with precision. Perhaps it is no coincidence that my sensitivity to music developed strongly, since my mother worked as a teacher at a music and art school. From early childhood, I grew up surrounded by music and dance.

When I was four years old, my parents took me to the choreography teacher **Mislimov Umarali Akhmadovich**. Because I was very shy, the teacher welcomed me with sweets in his hands, and during the very first lesson, he spent 20 minutes performing various movements together with me.

САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛБИМ

Олимжонова Шахризода Умид қизи

Уз бекистон Давлат Хореография Академияси

"Профессианал" таълим йўналиши

4-курс талабаси

Илмий раҳбар: Пофессор, **Тўхтасимов Шухрат Махмудович**

САНЪАТ — деганда ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб кўчма маънода фаолиятнинг барча соҳаларига ҳос юксак маҳорат тушунилади.Турли

ORIGINAL ARTICLE

INTERNATIONAL JOURNAL OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE

ISSN: 2692-5206, Impact Factor: 12,23
American Academic publishers, volume 05, issue 09,2025

Journal: https://www.academicpublishers.org/journals/index.php/ijai

кўринишлари билан ўзига хос бадиий эстетик қадриятларни тўплаш, сақлаш ва бошқаларга узатиш хусусиятига эга бўлган эстетик тизимни ташкил қилган ҳолда тасвирий санъат, меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, мусиқа, театр, кино, цирк, бадиий адабиёт, хореография ва бошқа йўналишларни ўз ичига олади. Санъат инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятидаги билими, тажрибаси, маҳорати ва қобилиятларини намоён этувчи бадиий ижодиёт маҳсулидир . У ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, унинг бизни қизиқтирган қирраларидан бири – рақс санъати ҳисобланади. “Хореография” санъат тури билан эсимни танибманки яшаб келмоқдаман десам муболаға бўлмайди.. Хали аниқ бир сўз айтишдан олдин мусиқа овози янграса рақс харакатларини аниқ бажарар эканман. Онажоним мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси бўлиб ишлаганликлари боис балким мусиқани эшитиш қобилиятим кучли бўлган бўлса ажаб эмас. Кичик болалик давримдан бошлаб мусиқа, рақс орасида улғайдим. Ота – онам 4 ёшимда мени хореография устози Мислимов Умарали Ахмадович олдига олиб бордилар. Жуда хам қўрқоқ бўлганлигим боис устоз мени қўлларида ширинликлар билан кутиб олдилар ва биринчи бор 20 дақиқа давомида хар хил харакатларни мен билан бирга бажардилар.

Устозни бажараётган рақс харакатлари ҳали хамон ёдимда. Ўшанда уларга нисбатан жуда кучли хавас хиссиёти уйғонди ва устозим каби хореграфия уқитувчиси бўлишга аҳд қилган эдим. Қизиқишларимнинг чегараси йўқ эди. Чирчиқ шахар 15 – сонли мусиқа ва санъат мактабида тахсил оларканман қўшимча Ўзбекистон Республикаси давлат Олий хореография мактаби катта ўқитувчиси Гагиева Мухайё Шорахимовнадан хам индивидуал дарс олардим. Афсуски хозирги кунда биринчи устозим Мислимов Умарали Ахмадович хаёт эмаслар. Лекин уларни менга берган билимлари, ўгитлари, хозирги кундаги фаолиятимга пойдевор бўлиб хизмат қиляпганлиги хақиқатдир. Илк бор сахнага 6 ёшимда чиққанман.

Аввал шахар, вилоят сўнгра республика миқёсидаги танловда иштирок этиб нуфузли ўринлардан бирини олганман. Бу менга катта мотивация берарди ва хар йили бирон бир танловда албатта иштирок этардим.

Мусиқа ва санъат мактабини тугаллаб Ўзбекистон Республикаси давлат хореография мактабига ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Мана бу ерда хақиқий рақс

ORIGINAL ARTICLE

INTERNATIONAL JOURNAL OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE

ISSN: 2692-5206, Impact Factor: 12,23
American Academic publishers, volume 05, issue 09,2025

Journal: https://www.academicpublishers.org/journals/index.php/ijai

сабоқларини олдим десам бўлади. Уйимдан, ота-онамдан йироқда бўлиб соғинч хиссиётлари таъсирида кўз ёшларим қанчали тўкилган бўлмасин , машғулотлар қанчали машаққатли бўлмасин олдимга қўйган мақсадимга эришиш учун ички бир овоз сабр ва тоқат қилишга ундарди. Рақс санъати шундай бир илоҳий неъматки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу сохада эзгу ният, пок қадам билан қалбида иҳлоси жўш уриб турган кишигина унинг сирли ва мўъжизавий завқ-шавқларидан бақраманд бўла олади. Дейдиларки, “Оллоҳ инсонни яратар экан, унинг келажагини ҳам чизиб берар экан” Нақадар топиб айтилган ибора. Мен рақсга тушганимда бутун борлигим билан куйга сингиб кетгим келади,хар бир харакатни бажарар эканман қўлларимни мен эмас менинг қалбимдаги ички тугён бошқаради.Бу менга тангри таоло томонидан берилган энг олий неъмат деб биламан. Дарҳақиқат иҳлос билан машаққатли йўлга кирган киши ниҳоят унинг нурли манзилларига етишиши муқаррардир. Нечоғли рақсга тушиш мени ўзига ром этмасин педагог бўлиш орзуси мени тарк этмади. Олий хореография мактабини тамомлаб Олий хореография академияси педогогика йўналишига қабул қилинган куним мен учун энг бахтли кунларимдан бири эди. Бу даргоҳда ўз касбининг усталари бўлмиш:

Профессор Сагатов Қўрқмас Санатович, Махмудова Малохат Махмудовна, Ешимбетова Айдын Убайдуллаевна лардан сабоқ олишдек бахтга муяссар бўлмоқдаман. Дарсдан бўш вақтларимдан унумли фойдаланиб хозирги кунда ўзим тахсил олган Чирчиқ шаҳар 15 - сонли мусиқа ва санъат мактабида хореограф ловозимида ишлаб, менга бириктирилган 50 нафар ўқувчи онгига гўзаллик ва нафосат, эстетик ва маънавий баркамоллик туйғуларини сингдириш билан ўз педогогик тажрибамни оширига харакат қилмоқдаман. Митти қалбларга ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини ўргатиш, уларга бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини, миллий маданиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтиришдек буюк бахт бўлмаса керак. Дарс жараёнида мен Ҳ.Ҳамроева, Ш.Тохтасимовлар томонидан яратилган “Ўзбек болалар фольклор рақслари” ўқув қўлланмасидан, Мухамедова Ўғилой Низомовнанинг “Миллий рақсларни ўргатиш услубиёти” ўқув қўлланмалари, Махмудова Малохат Махмудовнанинг “Ўзбек рақсини ўқитиш услубиёти”, Вера Сергеевна Костровицкаянинг “100 сабоқ” дан кенг фойдаланиб келмоқдаман.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 4 февралдаги «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари маданият ва санъат тараққиётида ўзига хос тарихий воқеа бўлди.

Миллий рақс санъатининг маданий ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш ва ноёб намуналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш, дунё миқёсида танитиш ва тарғиб қилиш энг устувор вазифалардан биридир.